# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 5 май, № 91 (7049) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Асқар Маминни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон — Қозоғистон ҳукуматлараро комиссияси самарали фаолият кўрсатаётгани ва амалий натижалар бераётганини мамнуният билан қайд этди.

Икки давлат Бош вазирларининг биринчи ўринбосарлари раислик қилаётган комиссия бугунги кунгача 17 мажлис ўтказди, жумладан, охирги мажлис жорий йилнинг март ойида Остонада бўлиб ўтди. 4 май куни Тошкентда комиссия ҳамраислари амалий музокаралар ўтказди.

Учрашувда Президентимиз савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, истиқболли лойиҳа ва дастурларни биргаликда амалга ошириш муҳим эканини таъкидлади.

Ўз навбатида, Асқар Мамин давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Қозоғистон олий даражада эришилган келишувларнинг сўзсиз ва ўз вақтида ижросини таъминлаш мақсадида қардош мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли шерикликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини қайд этди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Сиёсий ирода ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш туфайли Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликка асосланган муносабатларда мавжуд улкан салоҳият тўлиқ рўёбга чиқаётгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Ҳамкорликнинг эришилган юксак даражаси қардош мамлакатлар ва халқлар шериклигининг ёрқин намунаси экани алоҳида қайд этилди.

Қисқа муддатда ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича улкан натижаларга эришилди. Икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинди, 15 март куни Остонада унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўзаро савдо ҳажми изчил ўсиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Авиапарвозлар сони, автомобиль ва темир йўл ташувлари кўпайди, автобуслар қатнови тикланди. Маданий-гуманитар ва сайёҳлар алмашуви кенгаймоқда.

Шу маънода, қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришнинг самарали механизми бўлган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолияти амалий натижалар бераётгани таъкидланди.

Мулоқотда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил март ойида Остонада бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг биринчи саммити самарали натижалар берганини мамнуният билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг қатор долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Суҳбат якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида серқирра ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда кўп асрлик дўстлик ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида қатъий эканликларини таъкидладилар.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

**биринчидан**, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилинмаяпти, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган;

**иккинчидан,** ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олишга имкон бермаяпти;

**учинчидан,** етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмади;

**тўртинчидан,** мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаяпти;

**бешинчидан,** нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва ғовлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди;

**олтинчидан,** нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган идоралараро ҳамкорлик усуллари самарасиздир, давлат органлари ўртасида маълумотлар ва ахборот алмашишнинг ягона механизмлари мавжуд эмас;

**еттинчидан,** нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти ҳанузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг кўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаяпти.

**(Давоми 2-бетда).**

Асқар МАМИН:

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТАЁТГАН ЭЪТИБОРИ БАРЧАГА НАМУНА БЎЛМОҚДА»

*Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Асқар МАМИН давлатимиз раҳбари билан мулоқотдан сўнг ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашувимиз ғоят самарали кечди. Мулоқот давомида мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг кўламли муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдик.

Қозоғистонда 2018 йил — Ўзбекистон йили деб эълон қилингани муносабати билан белгиланган барча тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Бу мамлакатларимизнинг дўстона алоқалари ривожига янги руҳ бағишламоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги амалий қадамлари барча давлатларга ўрнак бўлмоқда.

**ЎзА мухбири**
**М. ЭЛМУРОДОВ**
**ёзиб олди.**

## Ташаббус бор жойда ривожланиш бўлади

*Жорий йилнинг 2-3 май кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига ташрифи давомида ҳудудни янада ривожлантиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар билан танишиб, одамлар билан юзма-юз мулоқотларда билдирган самимий фикрлари наманганликларни янги марралар сари илҳомлантирди.*

**Муносабат**

**Содиқжон ҲАСАНОВ,**
**Чуст туманидаги “Барака мева саноат сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Камҳосилли ердан самарали фойдаланиш, экспортбоп мева-сабзавот етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида ишлаб чиққан лойиҳамизни ҳаётга татбиқ эта бошлаганимизга икки йил бўлди. Тасарруфимиздаги 308 гектар майдонда ғалла, кунгабоқар, ловия, уруғлик картошка, дурагай маккажўхори парвариши йўлга қўйилган. Деҳқончилик ишлари, асосан, инновацион ғоя ҳамда технологияларни кенг қўллаган ҳолда олиб борилади.

**(Давоми 3-бетда).**



## 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

*Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши фахрийларини табриклашга бағишланган тантанали тадбирлар давом этмоқда.*

## Президентимиз номидан пул мукофоти, табрик хати ва қимматбаҳо қўл соатлари топширилмоқда

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ўтказилаётган тадбирларда уруш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан табрик хатлари, тилла суви юритилган қўл соатлари ва пул мукофотлари тантанали топширилмоқда.

**(Давоми 3-бетда).**

## Фидойи меҳнат ва хизматлар эътирофи

5 май — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари, “Жасорат” ва “Шуҳрат” медаллари таъсис этилган кун. Давлатимизнинг ушбу олий мукофотлари Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз қудрати ва салоҳияти, халқимизнинг тинч-тотув, фаровон ҳаётини янада юксалтиришга улкан ҳисса қўшаётган юртдошларимиз меҳнатига эътибор ва эътироф ифодасидир.











**Ифтихор**

Ўзбекистон Қаҳрамони унвони мамлакатимизнинг олий мукофоти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона хизматлари учун берилади. Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган шахсга “Олтин юлдуз” медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат Ўзбекистон Президенти томонидан ёки Президент номидан тантанали вазиятда топширилади.

“Мустақиллик” ордени — Ўзбекистонда мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонларга берилади. Бу орден билан юртдошларимиздан ташқари, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши** (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан, муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мувофиқлаштирилади;

Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2018 йил 1 июндан бошлаб:

рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги керак;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда қуйидагиларга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш имкониятини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларига;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишишга;

б) икки ой муддатда:

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шаклларини ҳамда уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш бўйича чоралар кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қилсин ҳамда улар ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг муассисларидир.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"ни ташкил этсин;

мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг "ноль" ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларни қайта кўриб чиқиш ва сезиларли даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни амалиётга киритиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларини бузаётган ва тақиқланган фаолият билан шуғулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини аниқлаш бўйича адлия органларининг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин;

гуманитар ёрдам олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш чораларини кўрган ҳолда, шунингдек, ушбу соҳада ягона ваколатли органни белгилаган ҳолда, Гуманитар ёрдам юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ҳамда гуманитар лойиҳалар устидан мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқсин ва унинг янги таҳририни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида волонтерлар (кўнгиллилар) ҳаракатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

13. Манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбосарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгиласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топшириладиган "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Танлов ўтказиш ва муваффақиятли ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга оширганлик учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳар йили мукофот бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзи қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р. Р. Иноятов ва Р. Т. Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 4 май

Эксперт таҳлили

## "Ўзбекистон амалий ва конструктив мулоқотга тайёрлигини намойиш этди"

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон шу йилнинг 29 апрель — 1 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.*

*Давлатимиз раҳбари музокаралар халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик анъаналарига мос ҳолда, очиқ, сермазмун ва самарали бўлганини қайд этди. "Биз Туркия Республикасига улкан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятга эга бўлган, халқаро майдонда обрў-эътибори тобора ортиб бораётган йирик давлат сифатида қараймиз. Ота юртингиз — Ўзбекистоннинг эшиклари сизлар каби яқин қардошларимиз учун доимо очиқ", деди Президентимиз.*

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ўзаро ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга қаратилган Қўшма баёнотни имзолади. Икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик шериклик олий кенгаши тузиш бўйича келишувга эришилди. Мамлакатларимиз минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига ўхшаш ёки яқинлигини қайд этиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида алоқаларни мустаҳкамлашга келишиб олди.

Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, савдо-сотиқ, транспорт-логистика, саноат, энергетика, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларга доир 24 та ҳужжат имзоланди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда қайд этилганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил октябрь ойида Туркияга давлат ташрифидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси сезиларли даражада ўсди. Жумладан, ўтган йили давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 30 фоиз ортиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Яқин йилларда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ тадбирлар юзасидан келишиб олинди.

Ўзбекистон Туркия бозорига енгил саноат, кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, чарм-пойабзал ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилишни кенгайтиришга тайёр. Бу борада Истанбул шаҳрида очилган Ўзбек — Турк савдо уйининг ёрдами катта бўлади.

Музокараларда транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, Боку — Тбилиси — Карс темир йўли ўзаро савдо алоқалари учун улкан имкониятлар яратиши қайд этилди. Шу жиҳатдан транзит тарифларини янада мақбуллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Икки мамлакат раҳбарлари иштирок этган "Ўзбекистон — Туркия" ишбилармонлари бизнес форуми доирасида умумий қиймати 3 миллиард долларга тенг 50 дан ортиқ янги инвестициявий қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Режеп Таййип Эрдўғон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида нутқ сўзлагани муҳим воқеа бўлди. Туркия раҳбари яна бир карра давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилганини қайд этиб, ташриф ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитишини билдирди. Томонлар мамлакатларимиз белгилаб олган тараққиёт йўлини қатъий қўллаб-қувватлаган ҳолда амалий муносабатларни чуқурлаштиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, ишлаб чиқариш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани ривожлантириш соҳаларида шерикликни янада фаоллаштиришга ҳаракат қилишади. "Иқтисодий ҳамкорлигимизнинг ўсиши охирги йиллардаги мулоқотларимизнинг натижаси бўлди. Бу биз тўғри йўлдан кетаётганимиздан далолатдир. Натижалар кўзга яққол ташланмоқда. Турк ишбилармонлари Ўзбекистонга интилишмоқда. Бу ерда турк фирма ва компаниялари ҳамда сайёҳлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда", деди Эрдўғон. У Ўзбекистонда туризм истиқболли соҳалардан бири эканлигини қайд этди.

Ўзаро ҳамкорлик алоқалари чуқурлашаётган бир шароитда Тошкент Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши фаолиятида иштирок этишини билдирди. Кенгашнинг бош қароргоҳи Истанбулда жойлашган бўлиб, юртимиз кенгашнинг Бишкек саммитида қатнашади.

Ташриф якунлари, қолаверса, чет эл ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва экспертлик-таҳлилий доиралар, шунингдек, етакчи хорижий оммавий ахборот воситалари фикр-мулоҳазалари асосида қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

**Авваламбор**, Ўзбекистон амалий ва конструктив мулоқотга тайёрлигини, ҳар қандай масалани муҳокама қилишга очиқлигини намойиш этди. Мамлакатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши фаолиятида иштирок этиши бунинг яққол тасдиғидир. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот фаолиятида қатнашиши ушбу тузилмани халқаро майдонда турк дунёси манфаатларини илгари сурадиган тўлақонли ташкилотга айлантиради.

**Иккинчидан**, Президент Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва вазмин ташқи сиёсати нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё минтақаси манфаатларига хизмат қилади. Анқара Марказий Осиёда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда Тошкентнинг ролини теран англайди.

**Учинчидан**, Ўзбекистон раҳбарининг ички ва ташқи сиёсий стратегияси нафақат мамлакатнинг сиёсий нуфузини оширди, айни пайтда республикани иқтисодий ва инвестиция нуқтаи назаридан жозибадор ҳудудга ҳам айлантирди. Президент Режеп Таййип Эрдўғонга Туркия ишбилармон доираларининг 300 дан ортиқ вакиллари ҳамроҳлик қилгани бунинг яққол тасдиғидир.

**Тўртинчидан**, Анқара Ўзбекистон билан туризм соҳасидаги ҳар томонлама кооперацияни кенгайтиришга қарор қилди. Турк зиёратчиларини Ҳаж ва Умра зиёратига отланишдан олдин Ўзбекистонга жўнатиш масаласи кўриб чиқилаяпти. Бинобарин, бундан 100 — 150 йил муқаддам турклар Макка ва Мадинага бориш учун аввал Бухородаги қадамжоларни зиёрат қилишни эзгу амал, деб билишган. Яқин вақт ичида Ўзбекистон турк зиёратчилари учун муқаддас қадамжолардан бирига айланса, ажаб эмас. Қайд этиш керакки, мамлакатимизга Туркиядан ташриф буюрувчилар сони жадал кўпайиб бормоқда. Расмий статистика маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида Туркия узоқ чет давлатлардан Ўзбекистонга ташриф буюрувчилар сони бўйича биринчи ўринни эгаллади. Юртимизга ушбу даврда келган хорижликларнинг 10 фоиздан ортиғи айнан ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Ишончимиз комилки, Режеп Таййип Эрдўғоннинг Бухорога зиёратидан сўнг Туркиядан сайёҳлар оқими янада кўпаяди.

**Бешинчидан**, Туркия раҳбарияти иқтисодий ва сиёсий манфаатларидан ташқари, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан миллий-маънавий ва ахлоқий қадриятларни тиклаш, жамиятда ислом динининг ролини оширишга алоҳида эътибор берилаётганига хайрихоҳлик билан қарамоқда.

Умуман, Анқара билан прагматик ва конструктив муносабатларнинг янада ривожланиши Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро майдонда, айниқса, турли эзгу ташаббусларни илгари суришда мавқеини янада мустаҳкамлайди.

**Баҳром СОТИБОЛДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим раҳбари.**

## Арзон ва шинам уйлар

аҳоли фаровонлигининг муҳим мезони ҳисобланади

*Ўз уйига эга одам, устига-устак, барча қулайлик яратилган тураржойда яшаётган инсонда Ватан, миллат тақдирига дахлдорлик туйғуси янада баланд бўлади. Шу боис мамлакатимизда аҳолини шинам уй-жой билан таъминлаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами учун арзон, қишлоқларда янги намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар ва шаҳарларда арзон кўп қаватли уйлар барпо этиш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.*

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш ҳамда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шулар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик, қўмита ҳамда ташкилотлар вакиллари, соҳа экспертлари ва олимлар иштирок этган тадбирда қишлоқ жойларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражасини тубдан ошириш, шаҳарларда кўп квартирали тураржойлар қуриш кўламини кенгайтириш ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникацияси ҳамда ижтимоий инфратузилмани бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш жараёнига аҳамият қаратилди.

Таъкидланганидек, ўтган йилда амалга оширилган ишлар натижасида қишлоқ жойларда янгиланган лойиҳалар асосида 15 мингта арзон уй-жой қурилиб, эгаларига топширилди. Улар барпо қилинган массивларда 374 километр ичимлик суви қувурлари, 284 километр табиий газ, 293 километр электр тармоқлари ҳамда 90 километр автомобиль йўллари қуриб битказилди. 2018 йилда эса 22 минг 139 та арзон уй-жой қуриш режалаштирилган.

Депутатлар мазкур жараёнда сифат масаласи муҳимлигига ҳам эътибор қаратишди. Чунончи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда аҳоли билан ўтказган учрашувлари давомида фуқароларнинг арзон уй-жойга талаби ошаётгани ва улар қурилишида айрим муаммолар борлиги аниқланди. Баъзи объектларда қурилиш жараёнида техник назорат тўлақонли олиб борилмаслиги, аксарият хонадонларда марказлашган канализация йўқлиги, айрим янги массивлар аҳоли учун ноқулай ҳамда ташқи муҳандислик ва транспорт-коммуникация тармоқларидан олис ҳудудда эканлиги, у ерларда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, бозор ҳамда кўнгилочар масканлар мавжуд эмаслиги ана шулар жумласидандир. Йиғилишда шу масалалар ўртага ташланиб, тегишли ташкилот ва идоралар вакилларининг улар юзасидан фикрлари тингланди.

Давра суҳбатида муҳокама этилган муаммолар ечими бўйича зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент давлат стоматология институти ҳамкорлигида II Халқаро стоматологлар конгресси ташкил этилди.

**● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда "Улуғ халқ қудрати жўш урган замон!" мавзуида маданий тадбир ўтказилди.**

● Ўзбекистон давлат консерваториясининг ёш ўқитувчиси Ойбек Имомов Италиянинг Пезаро шаҳрида ўтказилган "Citta di Pesaro" — ёш мусиқачиларнинг XV халқаро танловида Гран-при соҳиби бўлди.

**● "Серқуёш ҳур ўлкам" деб номланган республика танловининг Тошкент шаҳар босқичида Яшнобод тумани "Баркамол авлод" болалар марказининг "Зукколар" жамоаси ғолиб деб топилиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

# Президентимиз номидан пул мукофоти, табрик хати ва қимматбаҳо қўл соатлари топширилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шундай маросимлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ҳам ташкил этилаяпти. Жумладан, Яккасарой тумани Мудофаа ишлари бўлими вакиллари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 96 ёшли Рашид Хабибулиннинг хонадонида бўлиб, байрам билан қутлади.

Рашид ота Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти (ҳозирги Қуролли Кучлар академияси)да таҳсил олган. Фронтга чақирилиб, Сталинград остонасидаги жангларда иштирок этган.

— Тинчлик эл-юртни бой қилади, меҳнат инсонни юксалтиради, — дейди у. — Урушдан қайтгач, пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларида қатнашдим. Ўша вақтдаги “Главташкентстрой” бошқармасига қарашли трестларнинг бирида муҳандис бўлиб фаолият юритдим. Уч нафар қизни эл корига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказдим. Бугун фарзанду набиралар, бутун эл-юрт ардоғидаман. Давлатимиз раҳбарининг табрик хати ва қимматли совғаларини олиб, қувончдан кўзларимга ёш келди. Шундай кунларга етказганига шукр.

Яшнобод туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Николай Петрунин ҳам мамлакатимизда кекса авлод вакиллари, хусусан, уруш фахрийларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан ғоят мамнун. Юртбошимиз номидан тантанали тарзда топширилган пул мукофоти, тилла соат ва табрик хати унинг кўнглини янада чароғон қилиб юборди.

— Ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиш ҳар бир инсон учун катта бахт, — деди отахон. — Бу ғамхўрлик учун Президентимизга раҳмат! Тинчлигимиз абадий бўлсин!

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Мардлик ва жасоратингиз — ибрат мактаби

*Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган юртдошларимизнинг 13 нафари бугун Тошкент вилоятининг Қибрай туманида яшайди. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида уларни қутлаш ва хушнуд этиш мақсадида хонадонларига ташриф буюрилмоқда.*

“Баркамол” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Бўрибой бобо Саидносиров 17 ёшида фронтга отланди. Карпат тоғлари ҳамда Польша сарҳадларида жанг қилганида кўз ўнгида ҳамиша она-юрти — Ўзбекистон намоён бўлиб турди. У жанггоҳларда Ватанини ҳимоя қилди. Уруш даҳшатларига гувоҳ отахон ёшларга хотираларини ҳикоя қилиб берар экан, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етишни уқтиради. Юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳамиша мароқ билан сўзлайди.

Бўрибой бобо мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган юксак ғамхўрликдан бениҳоя мамнун. Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони билан уларга 5 миллион сўмдан пул мукофоти, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг табрик хати, тилла суви юритилган қўл соати берилиши эътибор ва эъзознинг амалий намунаси бўлди.

У Ялтадаги “Ўзбекистон” санаторийси ҳақида кўп ва хўп эшитган. Яратилган имтиёздан фойдаланиб, оромгоҳда мириқиб ҳордиқ чиқариш ниятида.

— Юртбошимизга раҳмат, — дейди отахон. — Фармон ва қарорда кўзда тутилганларидан ташқари, ҳовли-жойимиз таъмирланди, электр энергия, табиий газ ҳамда ичимлик сувидан фойдаланаётганимиз учун қўшимча имтиёз берилди. Бу имкониятлар, муҳими, кўрсатилаётган эътибор уруш қатнашчиларида шукроналик туйғусини янада мустаҳкамламоқда.

Тўрт ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказган, набира ва эвaралари даврасида қарилик гаштини сураётган уруш фахрийсини йўқлаб келаётганлар сони кўп. Улар орасида Чингелди маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг бир гуруҳ ўқувчилари ҳам бор.

— Ўқувчиларимиз уруш қатнашчилари билан суҳбатлашиш орқали кўплаб маълумотга эга бўлмоқда, — дейди касб-ҳунар коллежи директори Феруза Бозорбоева. — Фахрийларимизнинг ғалабага эришиш йўлида кўрсатган жасорати ва урушдан кейинги ҳаёт йўли ҳамиша ёшларимиз учун ўрнак ҳисобланади.

Бўрибой Саидносиров Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётгани ва ўзи каби Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган юксак эътибору эъзоздан беҳад миннатдор бўлиб, бугунги дориламон кунлар учун шукрона айтиб яшамоқда. Шундай нуронийларнинг чеҳрасига қараб, сизнинг мардлик ва жасоратингиз халқимиз, хусусан, юртимизнинг эртанги куни бўлган ёшлар учун ҳамиша ибрат мактабидир, дегимиз келади.

**Ш. РАҲМАТИЛЛАЕВ.**

Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Бағрикенг юртдан барака аримайди

*Оиламиз Иккинчи жаҳон уруши йилларида қатағонга учраб, Ўзбекистонга келиб қолган. Ўша вақтларда кўплаб қрим-татар оилаларининг қисматига шундай битик ёзилган экан. Онам ҳозир ҳам ҳаётлар — 80 ёшни қаршилаяпти. Ўн йилча бўлди, онамни хоҳишига кўра, Қримга жўнатдик. Укам Шевкет билан бирга умргузаронлик қилмоқда.*

Мен эса оилам билан Навоий шаҳрида яшаяпман. Тадбиркорлик билан шуғулланаман. Шу ерда туғилиб, вояга етдим. Ҳамма танишларим Ўзбекистонда. Бошқа жойга бориб Ватан қуришни тасаввур қила олмайман. Ўзбек мактабида ўқидим, ўзбекча гапирамиз. Динимиз, урф-одатларимиз бир, тўйларимиз ўхшаш. Яхши ва ёмон кунларимизда доим ўзбек дўстларимиз ёнимизда бўлган. Ҳозир ҳам шундай.

Катта қизим ўзбек, кичик қизим эса озар хонадонига келин бўлган. Ўғлимга ўзбек хонадонидан келин туширганман. Ҳаммаси бахтли турмуш кечиришмоқда. Беш нафар неварам бор. Бунинг учун тақдирдан мингдан-минг розиман.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг марказига юртимизда миллатлар бирдамлигининг тимсоли бўлган Шомаҳмудовлар ҳайкалининг қайта ўрнатилиши, майдон, метро бекати ва кўчага “Халқлар дўстлиги” номининг қайтарилиши ҳаммамизни беҳад қувонтирди. Зеро, халқлар дўстлиги — бебаҳо бойлик. Ҳамжиҳатлик, бағрикенглик муҳити устувор юртда тинчлик, тотувлик, файзу барака бўлади, тараққиёт қарор топади.

**Рифат АРПИЕВ,**
**тадбиркор.**
Навоий шаҳри

## Долзарб мавзу

# Маслаҳатли тўй тарқамас, лекин...

*Ангрен шаҳридаги Самарчўғ маҳалласида истиқомат қилувчи Абдуворис Абдувакилов ўғлининг никоҳ тўйини ихчамгина қилиб — яқин қариндошлар, қўни-қўшни иштирокида, нари борса, 120 киши билан ўтказмоқчи бўлганида, “маслаҳатчи”лар орасида “Тўйларни ихчамлаштириш ҳақида ҳали бирор-бир ҳужжат кучга киргани йўқ-ку, шундай экан, фурсат борида данғиллатиб тўй қилиб қолмайсизми?” деганлар ҳам бўлди. Аммо у айтганини қилди — тўйда ортиқча дабдаба, исрофгарчиликларга йўл қўймади. Аёли ва фарзандининг “орзу-ҳаваслари”га ҳам учмади. Ўзига тўқ одамнинг камтарона тўйи маҳаллада дув-дув гап бўлди. Яхши маънода, албатта.*

Бундай мисоллар куни кеча Тошкент вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам кўплаб келтирилди.

Ўзига хос маслаҳат тусини олган мазкур йиғилишда вилоятдаги тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, жойлардаги Хотин-қизлар қўмиталари, Ёшлар иттифоқи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъуллари, нуронийлар, ёшлар, шунингдек, тўй ва маросимларда хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Зайниддин Низамходжаев, маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков ва бошқалар тўйлардаги дабдабабозлик ҳамда ҳаддидан ошишлар турли кўнгилсизликларни келтириб чиқараётгани, ёшларимизни халқимизга хос, олижаноб қадриятлар руҳида тарбиялашга халал бераётгани, тўй хурсандчилик эмас, исрофгарчилик ўчоғи, оиладаги нотинчлик, қарзга ботишга сабаб бўлиб қолаётганини, шу боисдан ҳам, тўйларни ихчамлаштириш борасида давлатимиз раҳбарининг айни вақтида билдирган фикр-мулоҳазалари барчанинг дилидаги гап бўлгани, бундай саъй-ҳаракатларни жойларда одамлар бажонидил қўллаб-қувватлаётганини таъкидладилар.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенатининг шу йил 30 мартдаги қарорига мувофиқ, фуқаролардан келиб тушаётган таклиф ва тавсиялар, кенг жамоатчилик фикри асосида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга доир низом лойиҳаси ишлаб чиқилгани, ҳудудий ишчи гуруҳлар жойларда мазкур лойиҳа билан кенг жамоатчиликни таништириши, лозим кўрилса, низомни реал, мантиқий асосга эга таклиф ва мулоҳазалар билан бойитишга амалий ҳисса қўшиши зарурлигига урғу қаратилди. Шунингдек, ишлаб чиқилаётган ҳудудий низомларда ҳар бир минтақанинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олиниши даркорлиги ҳам қайд этилди.

— Бундай очиқ мулоқотларни ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳаллада кўпроқ ташкил этиб, одамлар ичига чуқурроқ кириб боришимиз керак, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари Зулхумор Жўраева. — Турли “тўйолди” тадбирларга барҳам бериш, асл анъаналаримиз ва қадриятларимизга зид бўлган, четдан кириб келаётган одатларга йўл қўймаслигимиз лозимлигини одамларимиз тушуниб етишлари, бу борада ўзларининг асосли таклифларини билдиришлари жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Йиғилишда мазкур масала юзасидан вилоят ишчи гуруҳининг таркиби тасдиқланди ҳамда тузилма зиммасига белгиланган муддатда аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда масала моҳиятини ҳудудий матбуотда кенг тарғиб қилиш ва таклифларни муҳокама этиш вазифалари юкланди.

**Р. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ташаббус бор жойда ривожланиш бўлади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда Туркиядан яримпакана ёнғоқ кўчатларини олиб келдик. Жорий йилнинг ўзида 160 гектар майдонда ёнғоқзор барпо қилмоқчимиз. Минитугунчакдан кўпайтирилаётган картошкадан юқори даражадаги элита уруғлик етиштиришга киришдик. Кузга бориб, ҳосилдорлиги юқори бўлган уруғликни 2 гектар ерга экамиз. Юртбошимиз иссиқхонамизда олиб борилаётган ишлар билан танишиш чоғида бу ерда уруғчилик маркази очишни тавсия этдилар. Шунда узоғи билан уч йилда водий вилоятларини сифатли картошка уруғи билан тўла таъминлаш имконияти вужудга келади.

Ковулчиликни ривожлантириш лойиҳамиз ижроси ҳам жадал бораяпти. Яқингача ушбу экин ҳосилини Туркияга экспорт қилиб келган бўлсак, бултур Италия билан шартнома имзолаб, 220 тонна ёки 296 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот жўнатдик.

**Бахтиёр УМАРОВ,**
**Наманган шаҳридаги “Истиқлол текстиль дизайн” МЧЖ директори:**

— Тадбиркорлик ривожида жойларда ташкил этилаётган кичик саноат ҳудудларининг ўрни салмоқли. Зеро, ишлаб чиқариш инфратузилмаси жам бўлган бундай марказларда бизнес лойиҳаларини амалга ошириш тез ва осон кўчади. Вилоят марказида жойлашган салкам 10 гектарлик майдондаги “Орзу” кичик саноат ҳудудида 22 та лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда. Бу ерда қисқа муддатда зарур муҳандислик коммуникациялари ўтказилди. Дастлабки 5 та лойиҳа бугун-эрта ишга туширилади, ой охиригача улар сони 10 тага етказилади. Турли йўналишлардаги корхоналар бунёд этилиши билан ҳудудда 4 мингга яқин аҳолининг бандлиги таъминланади.

Биз ҳам эркаклар ҳамда аёллар учун устки кийимлар тикишга ихтисослаштирилган корхонамизнинг қўшимча цехини барпо қилиш учун “Орзу”дан 1,5 гектар жой олдик. Айни пайтда ишлаб чиқариш биноси қурилиши якунига етказилмоқда. Сентябрда технологик жиҳозлар ишга туширилади. Пировардида йилига 200 минг дона рақобатдош маҳсулот тайёрлашни бошлаймиз. Унинг ярмидан кўпроғи ташқи бозорга чиқарилади.

Президентимиз бу саноат ҳудудига ташрифи куни унинг имкониятлари ва лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди, тадбиркорлар билан мулоқотда бўлди. Айни жараёнда яратилган қулай ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт имкониятларини жадал ишга солиш юзасидан билдирилган тавсиялар бизга дастуриламалдир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**ёзиб олди.**

# Фидойи меҳнат ва хизматлар эътирофи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 20 августдаги Фармонига биноан Тошкент шаҳри юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун ушбу орден билан тақдирланган.

Бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик бор жойда аниқ мақсад сари интилиш, олдинга силжиш бўлади. “Дўстлик” ордени билан юртимизда яшаётган миллат ва элатлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришган фуқаролар, шунингдек, юртимиз фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланиши мумкин.

Тинчлик-осойишталик — бебаҳо неъмат. Осмонимиз мусаффолиги, бугунги озод ва обод ҳаётимиз миллий армиямизни ислоҳ этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасидир. Бу шарафли ишга ҳисса қўшаётган инсонлар, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда, ҳарбий бурчни ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун “Жасорат” медали билан мукофотланиб келинмоқда.

Ҳар йили ўнлаб юртдошларимиз мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган ҳиссаси учун “Шуҳрат” медали билан мукофотланмоқда.

Инсон учун эл-юрт равнақига ҳисса қўшишга интилиб, қилган меҳнатлари эвазига қадр ва эъзоз топиб яшашдан ортиқ бахт йўқ. Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари, “Жасорат” ва “Шуҳрат” медаллари билан мукофотланганлар ана шундай саодатга мушарраф бўлган, юксак фазилат ва маънавиятга эга инсонлардир.

**Д. ЙЎЛДОШЕВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғисида»ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида

**Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси**

**қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассисларни ишга қабул қилишини билдиради:**

— *агрономия деҳқончилик маҳсулотлари;*
— *қишлоқ хўжалиги экинлари ва селекция уруғчилиги;*
— *сув хўжалиги ва мелиорация;*
— *қишлоқ хўжалигини механизациялаш;*
— *қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш;*
— *зоотехния;*
— *балиқчилик;*
— *паррандачилик;*
— *асаларичилик;*
— *мева-сабзавотчилик ва узумчилик;*
— *донли экинлар;*
— *агрокимё;*
— *картошкачилик;*
— *қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти;*
— *қишлоқ хўжалиги менежменти ва қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича бошқа мутахассислар.*

**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 295-23-90, 295-24-30.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 3-уй.**

400R/199

**Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси**

Қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ оилавий поликлиникалари учун зарур бўлган 103 дона ЭКГ аппарати ҳамда патронаж ҳамшираларига мўлжалланган 2050 дона «Патронаж сумкалари» керакли анжомлари билан биргаликда марказлашган ҳолда сотиб олинишини маълум қилади.

ЭКГ аппаратлари ва «Патронаж сумкалари» керакли анжомларининг техник талаблари бўйича Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Чўпонота кўчаси, 7-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 250-40-56, 250-26-52.**

402R/210

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Зафар Шохатамович Тухтаевга отаси

**Шохатам Шосаидович ТУХТАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz
02

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида**

# Халқ таълими вазирлиги

**Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари асосида ҳамда 2018/2019 ўқув йилида биринчи синф ўқувчилари ва якка тартибда уйида таълим оладиган болалар ўқув қуроллари ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга мўлжалланган қишки иссиқ кийим-бошларни сотиб олиш учун**

## очиқ тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Мазкур тендер савдоларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш ва/ёки буюртмачига сифати ҳамда баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда, кўрсатилган миқдорларда маҳсулот етказиб бериш имконияти ва тажрибасига эга барча маҳаллий ҳамда хорижий корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Шунингдек, тендер савдоларида консорциум шаклидаги турли бирлашмалар ҳам қатнашса бўлади.

Тендер савдолари иштирокчиси:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига жавоб берадиган, товарлар етказиб берувчи, харидлар субъекти ҳисобланган юридик шахс;
- шартнома тузиш ҳуқуқига эга;
- шартномани бажариш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўлиши керак.

Тендер таклифлари бир нусхада, муҳрланган ҳолда, ичма-ич солинган (ташқи ва ички) конвертларда, тендер ҳужжатларида кўрсатилган 1-шаклдаги кузатувчи хат билан қабул қилинади.

Тендер савдолари ғолиблари — маҳаллий корхона ва ташкилотлар Давлат буюртмачиси билан имзоланган шартномалар бўйича ўқув қуролларини 2018 йил 10 августгача, қишки кийим-бошларни 2018 йил 31 августгача «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг «Таълим-таъминот жиҳоз» республика филиалига, қуйидаги манзилга топширишлари талаб этилади: Ўзбекистон Республикаси, 100175, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон 13-тор кўча, 28-уй.

Тендер савдолари ғолиблари — хорижий корхона ва ташкилотлар Давлат буюртмачиси билан имзоланган шартномалар бўйича ўқув қуролларини 2018 йил 10 августгача, қишки кийим-бошларни 2018 йил 31 августгача «Ўқув таълим-таъминот» ДУКнинг «Таълим-таъминот жиҳоз» республика филиалига маҳсулотларни етказиб беришнинг DDP шаклида (ИНКОТЕРМС 2010 таҳририда), қуйидаги манзилга топширишлари талаб этилади: Ўзбекистон Республикаси, 100175, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон 13-тор кўча, 28-уй.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш истагидагилар эълон чоп этилган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар Давлат буюртмачисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. Тел.:(+99871) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. Факс: (+99871) 267-71-16. Масъул котиб: Худдиев Бахтиёр Ҳасанович.

Бундан ташқари, мазкур тендер савдолари ҳақидаги маълумот Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz электрон сайтида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказининг махсус информацион портали www.dxarid.uzex.uz да берилган.

**Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотнинг номи, миқдори ва энг юқори нархи**

### Ўқув қуроллари:

**1-Лот «Дафтар»**

| Лот рақами | Дафтар (12 варақ, 80 гр/$м^2$.) | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ётиқ чизиқли дафтар (12 варақ, қоғоз зичлиги 80 гр/$м^2$дан кам эмас.) | дона | 3 956 172 | 500 |
| | Катакли дафтар (12 варақ, қоғоз зичлиги 80 гр/$м^2$дан кам эмас.) | дона | 3 956 172 | 500 |
| | **Жами дафтар** | | **7 912 344** | |

**2-Лот «Акварель бўёғи»**

| Лот рақами | Акварель бўёғи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 2 | Акварель бўёғи (ранглар сони 12 тадан кам бўлмаган, катакларда 2,5 куб. см. дан кам бўлмаган тайёр маҳсулот бўлиши лозим) | пачка | 642 316 | 4 600 |

**3-Лот «Пластилин»**

| Лот рақами | Пластилин | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 3 | Пластилин (8 рангдан кам бўлмаган, 1 пачканинг вазни 160 граммдан кам бўлмаган) | пачка | 636 480 | 4 600 |

**4-Лот «Рангли қаламлар»**

| Лот рақами | Рангли қаламлар | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 4 | Рангли қаламлар (ранглар сони 12 тадан кам бўлмаган, номинал узунлиги 177 мм.) | пачка | 636 480 | 4 644 |

**5-Лот «Оддий қора қалам»**

| Лот рақами | Оддий қора қалам | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 5 | Оддий қора қалам (қаламнинг номинал узунлиги, ўчирғичи билан 190 мм.) | дона | 1 284 314 | 381 |

**6-Лот «Пенал»**

| Лот рақами | Пенал | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 6 | Пенал (полимер материалдан ишланган, узунлиги 200 мм.дан кам бўлмаган, эни 70 мм.дан кам бўлмаган, баландлиги 20 мм.дан кам бўлмаган) | дона | 636 480 | 4 644 |

**7-Лот «Расм дафтари»**

| Лот рақами | Расм дафтари | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 7 | Расм дафтари (варақлар сони — 12 та, варақлар қоғозининг зичлиги 112 гр/$м^2$ дан кам бўлмаган, жилд қоғозининг зичлиги 120 гр/$м^2$дан кам бўлмаган) | дона | 676 567 | 1 977 |

**8-Лот «Рангли қоғозлар тўплами»**

| Лот рақами | Рангли қоғозлар тўплами | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 8 | Рангли қоғозлар тўплами (рангли варақлар сони — 12 та, варақлар қоғозининг зичлиги 80 гр/$м^2$ дан кам бўлмаган, жилд қоғозининг зичлиги 112 — 120 гр/$м^2$дан кам бўлмаган) | тўпл. | 659 652 | 2 000 |

**9-Лот «Ручка»**

| Лот рақами | Ручка | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 9 | Шарикли ручка (ручка кўк ёки кўкимтир рангда, ручканинг иш ҳолатидаги ёзув қисми ручка корпусидан камида 1,5 мм. чиққан бўлиши керак) | дона | 676 567 | 261 |

**10-Лот «Ўчирғич (ластик)»**

| Лот рақами | Ўчирғич (ластик) | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 10 | Ўчирғич (ластик) (ўлчами: узунлиги 40 мм., эни 15 мм., қалинлиги 10 мм.) | дона | 1 272 844 | 430 |

**11-Лот «Елим»**

| Лот рақами | Елим | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 11 | Елим (вазни 21 гр.дан кам бўлмаган, минерал таркибли, тез қотадиган хусусиятли, ёқимсиз ҳид чиқармайдиган, совуққа чидамли бўлиши керак) | дона | 642 157 | 1 528 |

**12-Лот «Ўқувчилар сумкаси»**

| Лот рақами | Ўқувчилар сумкаси | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|
| 12 | Ўқувчилар сумкаси (икки секцияли, баландлиги 350 мм., эни 280 мм., ён қисми эни 100 мм., оғирлиги 500 граммдан ортиқ бўлмаган бўлиши керак) | дона | 642 157 | 34 679 |

### Қишки кийим-бошлар:

**13-Лот «Болалар курткаси»**

| Лот рақами | БОЛАЛАР КУРТКАСИ | Ўлчов бирлиги | Ўлчами | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|---|
| 13 | Ўғил болалар учун | дона | 34 | 15 372 | 44 988 |
| | | дона | 36 | 19 438 | 44 988 |
| | | дона | 38 | 19 435 | 44 988 |
| | | дона | 40 | 18 192 | 44 988 |
| | | дона | 42 | 12 964 | 44 988 |
| | Қиз болалар учун | дона | 34 | 15 336 | 44 988 |
| | | дона | 36 | 18 904 | 44 988 |
| | | дона | 38 | 18 479 | 44 988 |
| | | дона | 40 | 17 479 | 44 988 |
| | | дона | 42 | 12 028 | 44 988 |
| | **Болалар курткаси жами** | | | **167 627** | **44 988** |

**14-Лот «Ўсмирлар курткаси»**

| Лот рақами | ЎСМИРЛАР КУРТКАСИ | Ўлчов бирлиги | Ўлчами | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|---|
| 14 | Ўғил болалар учун | дона | 42 | 16 076 | 49 128 |
| | | дона | 44 | 19 071 | 49 128 |
| | | дона | 46 | 20 228 | 49 128 |
| | | дона | 48 | 19 054 | 49 128 |
| | | дона | 50 | 3 372 | 49 128 |
| | Қиз болалар учун | дона | 42 | 16 017 | 49 128 |
| | | дона | 44 | 18 998 | 49 128 |
| | | дона | 46 | 20 399 | 49 128 |
| | | дона | 48 | 18 498 | 49 128 |
| | | дона | 50 | 2 616 | 49 128 |
| | **Ўсмирлар курткаси жами** | | | **154 329** | **49 128** |

**17-Лот «Болалар қалпоғи ва кўлқопи»**

| Лот рақами | БОЛАЛАР ҚАЛПОҒИ ВА КЎЛҚОПИ | Ўлчов бирлиги | Ўлчами | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|---|
| 17 | Ўғил болалар учун | тўплам | 50 | 44 498 | 12 144 |
| | | тўплам | 52 | 40 903 | 12 144 |
| | Қиз болалар учун | тўплам | 50 | 43 151 | 12 144 |
| | | тўплам | 52 | 39 075 | 12 144 |
| | **Болалар қалпоғи ва кўлқопи жами** | | | **167 627** | **12 144** |

**18-Лот «Ўсмирлар қалпоғи ва кўлқопи»**

| Лот рақами | ЎСМИРЛАР ҚАЛПОҒИ ВА КЎЛҚОПИ | Ўлчов бирлиги | Ўлчами | Миқдори | Энг юқори нарх |
|---|---|---|---|---|---|
| 18 | Ўғил болалар учун | тўплам | 52 | 13 990 | 13 800 |
| | | тўплам | 54 | 23 158 | 13 800 |
| | | тўплам | 56 | 22 505 | 13 800 |
| | | тўплам | 58 | 16 128 | 13 800 |
| | | тўплам | 60 | 2 020 | 13 800 |
| | Қиз болалар учун | тўплам | 52 | 14 325 | 13 800 |
| | | тўплам | 54 | 23 375 | 13 800 |
| | | тўплам | 56 | 21 572 | 13 800 |
| | | тўплам | 58 | 15 543 | 13 800 |
| | | тўплам | 60 | 1 713 | 13 800 |
| | **Ўсмирлар қалпоғи ва кўлқопи жами** | | | **154 329** | **13 800** |

Тендер таклифлари тендер савдолари иштирокчилари томонидан Давлат буюртмачисининг махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лотнинг белгиланган нарх суммасидан 1% (бир фоиз) миқдоридаги пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан ёки Давлат буюртмачисига хизмат кўрсатадиган банк ва ҳисоб-китоблари бор банкнинг кафолати бириктирилган бўлиши шарт.

Банк реквизитлари:

Ҳисоб рақами: 20210000700101561002, «Ипотека-банк» АТИБ, «Меҳнат» филиали,

МФО: 00423, СТИР 200524742, ОКЭД 49410.

Валюта ҳисоб рақами — 20210840000101561003 ATIB IPOTEKA-BANK SWIFT: UZHOUZ22, Uzbekistan,Tashkent city, Mekhnat branch. Branch CODE: 00423, Address: Uzbekistan, Tashkent sity, Istiklol, 9

Закалат суммаси ёки банкнинг кафолати билан бириктирилмаган тендер таклифлари Харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари 2018 йил 1 июнь соат 15.00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Давлат буюртмачисига тақдим этилиши лозим (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши Харид комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақда талабгорга Харид комиссиясининг масъул котиби томонидан қўшимча хабар қилинади.

3998/211

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг марказий омборхонаси

**қуйидаги товар-моддий бойликларини сотиб олиш бўйича танлов савдолари эълон қилади:**

— жунли ип аралашган адёллар (армия намунасидаги);
— алюминий ёки сирланган мискалар (0,5 литр);
— алюминий ёки сирланган мискалар (1 литр);
— алюминий кружкалар (0,5 литр) ёки сирланган кружкалар (0,4 литр);
— 40 — 50 литр сиғимли алюминий (таги текис кастрюль) идишлар;
— алюминий ошхона қошиқлари;
— 36 литр сиғимли термослар;
— сирланган челаклар;
— диагонали 32, 40, 43, 65 бўлган телевизорлар;
— 09, 12, 18 ҳажмли кондиционерлар;
— 228-316 маркали маиший музлаткичлар;
— рақамли фотоаппарат (яримпрофессионал);
— нусха кўчириш аппарати (ксерокс);
— раҳбар креслолари;
— асбоцементли тўлқинли шифер;
— компьютер (Моноблок Core i3, DDR 4gb, HD 500gb, Videokarta 2gb);
— UPS (6 SLL);
— 22 дюймли мониторлар;
— 8 GBли USB флешкалари;
— проектор (ультра қисқа фокусли);
— принтерлар (3 функцияли);
— принтерлар (4 функцияли);
— интернет учун модемлар;
— ноутбуклар (Core i3, DDR 4gb, HD 500gb, Videokarta 2gb, Wi-Fi, Intel Celeron, DDR 2gb/HDD 500gb/ Wi-Fi);
— телефон аппаратлари (рақам кўрсатувчи, LCD дисплей билан спикерфонли, АОН);
— факс аппаратлари (LCD дисплей билан спикерфонли, АОН, Caller ID, радиотрубкали, кўпайтириш функцияли).

***Тўлов шартлари:*** шартноманинг умумий суммасидан 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — маҳсулот етказиб берилганидан сўнг.

***Етказиб бериш шартлари*** — буюртмачи омборига.

***Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади:*** 100076, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Ўш кўчаси, 34-уй.

Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

**Маълумот учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.30 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 283-27-84, 291-64-15, 291-68-69, 291-10-71.**
**Факслар: (0-371) 283-27-84, 291-68-69, 291-14-12. E-mail:guinmvduz@bk.ru**

4018/182

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 896 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6